*Энг аввало азиз ватандошларимни 1997 йил билан чин дилдан табриклайман. Ўтган йилнинг ярмини сафарда ўтказдим.*

Дил тубидан

## ҚУВОНЧИНГ БЎЛИШСАНГ КЎПАЯР ҚУВОНЧ

Гап шундаки, мен АҚШнинг Вашингтон университети таклифи билан америкалик талабаларга ўзбек тили ва адабиётидан маърузалар ўқидим. Ўзбек тилини ўрганиш дастурида иштирок этдим. Вашингтон университетида «Марказий Осиё ёзувчилари ва зиёлилари шўролар даврида» мухтасар курси ташкил этилди. Уни машҳур тилшунос олима профессор Илзахоним Циртаустас уюштирди. Шу муносабат билан америкалик талабалар учун махсус курс ёздим. Унда халқимиз бошига тушган машъум даврлар ҳақида ҳикоя қилдим. Бу давр 140 йилни ўз ичига олади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг олиб борилаётган улкан ўзгаришлар ҳақида, озодликнинг бешинчи йили, Амир Темур Кўрагоний тўйлари борасида маърузалар ўқидим. Мухтасар курс катта қизиқиш билан тингланди. Талабаларда юртимизга нисбатан қизиқиш ва муҳаббат уйғотди.

Янги йилдан умидим катта. Янги йилда ишлаб келаётганим тарихий мавзудаги асаримни битираман деган ниятдаман. Бу ёғи Оллоҳга ҳавола. Тағин шеърлар, публицистик мақолалар ёзиш фикрим ҳам йўқ эмас.

Янги 1997 йил остонасидамиз. У юртимиз Президенти Ислом Каримов ўртага ташлаган шиор бўйича Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Ниҳоятда инсоний шиор, зўр тилак бу! Инсон манфаатлари йили инсонни ўйламоқ, унинг ташвишларига шерик бўлмоқ, унга манфаат етказмоқ, қадрини кўтармоқ, руҳига қувват бермоқ... Бу фикр Президентимизнинг аввалроқ айтган «Яхшилик қилиб қолайлик» деган қутлуғ сўзларига ҳамоҳангдир. Яшасин инсон манфаатлари йили, 1997 йил дегим келади!

Янги ёзган рубоийларимдан бирини қадрли оқшомхонларга туҳфа қилмоқчиман.

**ҚАДИМ БИР ҲИКМАТ**

*Элга бағрингни оч,*
*боринг кўр баҳам.*
*Қадим бир ҳикматга қулоқ*
*бер, одам.*
*Қувончинг бўлишсанг кўпаяр*
*қувонч,*
*Ғамингни бўлишсанг*
*камаяди ғам.*

*Муҳаммад АЛИ,*
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси.*

*● Келажакка ишонч*
*● Демократик асосларда*
*● Долзарб вазифалар*
*● Меҳрли кўнгиллар*




*Ўзбекистонда ўтган кунларим ҳақида ёзар эканман, юрагимда соғинч ва қувонч жўш уради. Бу юртга, юраги меҳр-муҳаббатга тўла инсонлар яшайдиган мамлакатга авалроқ келмаганим учун афсусланаман.*

*Бироқ кеч бўлса ҳам, бу ерга келганимдан бахтиёрман.*

Хорижликлар нигоҳида

## ЖАННАТМАКОН

Илгари мен бу элнинг меҳмондўстлиги ҳақида фақат саёҳатчилар ҳикоялари орқали тасаввурга эга эдим.

Ўзбекистонда бир ҳафта яшадим. Шу етти кун ичида Тошкент, Самарқанд ва Бухоро каби ажойиб эртак — шаҳарларда бўлдим. Бу ерда ўтказган кунларимни хотирлаб, бир нарсага қатъий ишонч ҳосил қилдим: Ўзбекистон менинг Ватаним ва ватандошларим билан энг кўп алоқа қиладиган давлатдир. Биз, Покистон аёллари делегацияси ўз уйларимизга ширин хотиралар олиб кетганимиз сабаби ҳам шудир. Қувонч ва кулгуга тўла кунларни, шу кунларни ёритган қуёшнинг ёрқин нурларини хотирамизда умрбод сақлаймиз. Ўзбек мусиқасидан сеҳрланиб қолган тунларимиз ҳақида юртдошларимизга гапириб берамиз. Ўз Ватанимизга Бухоро ва Самарқанд чиройи ҳақида сеҳрли эртаклар ва ранг-баранг таассуротлар билан қайтяпмиз. Кунларимиз қувноқ, қўшиқ ва рақсларга тўла бўлди. Чорсу бозорини қизиқиб томоша қилдик, меҳмондўстлик гулдасталари билан завқландик. Кўрганларимизнинг ҳаммасини ёзадиган бўлсам, бир неча жилдлик китоб бўлади.

Ўзбекистон бутун жаҳонга келажаги буюк давлат бўлиб танилмоқда ва унинг мустаҳкам иродали халқи ўз ватанининг порлоқ келажагига қатъий ишонади. Ҳар қандай ўзбек, у ким бўлмасин, ўз аждодлари билан фахрланади. У ўз урф-одатлари, санъати, ҳунармандчилиги, мусиқаси, адабиёти ва тарихи ҳақида ғурур билан сўзлайди. Ҳа, ўзбек халқига ато этилган истеъдодларни санаб, адоғига етиб бўлмайди.

Мен Тошкентда дунёнинг фақат бир неча шаҳарларигагина хос бўлган нафосатни кўрдим. Унинг кенг, икки томони дарахтзор йўллари, замонавий уйлари ва бир маромдаги ҳаёти янгиланаётган жамият тимсолидир. Шаҳар кўркига кўрк қўшаётган қурувчилар унинг қадимий кўринишини ҳам сақлаб қолаяптилар. Ҳатто хонадонларда ҳам қадимий анъаналар сақланиб қолган. Болалар ўз оилаларига эга бўлгандан кейин ҳам ота-оналари билан яшайдилар. Бу жуда яхши анъанадир. Истардим, улар бу анъанани кейинги асрга ҳам олиб ўтишсин.

Гўзал Самарқанд ва қадимий Бухорода мен бошқа бир оламга кириб қолгандек бўлдим... Бундай гўзаллик дунёда ягона. Самарқанднинг мовий гумбазлари ва масжидлар кошинлари қуёшда товланиб, мафтункор манзара кашф этади. Асл ҳолича сақланган ва қайта тикланган бу қадимий обидалар сайёҳларни доимо ўзига жалб этиб келган. Самарқандга саёҳат мен учун мозийга саёҳатдек бўлди. Болалигимдаёқ тарих мени ўзига мафтун этиб келган. Темурийларнинг юришлари ва Сомоний подшоҳлар ҳақидаги китобларни қизиқиб ўқир эдим. Бугун буларнинг ҳаммасини қайтадан кашф қилдим. Раҳмат сенга, Ўзбекистон!

Бухоро ҳам ўзига хос. Лаби Ҳовуз, Баҳовуддин Нақшбанд мақбараси узоқ ўтмишдан олинган суратга ўхшайди. Бу ёдгорликлар асл ҳолича сақланган. Бунинг учун ўзбек халқига тасанно айтиш керак.

Яна бошқа сайр мени жуда таъсирлантирди. Тошкентдан Самарқанд ва Бухорога борар эканмиз, бунчалик мўл меваларни ҳеч бир мамлакатда кўрмаганман. Офтобда товланиб турган узумлар, қип-қизил олмалар, шарбатга тўла олхўри ва тарвузлар ўзгача бир гўзаллик кашф этиб турибди. Бу худди жаннатдаги сайрга ўхшайди.

Лекин мени энг кўп таъсирлантирган ўзбек халқи бўлди. Улар содда, тўғри сўз, кўнгиллари доимо меҳрга тўла. Мезбонлар меҳмонни малика даражасига кўтариб қўядилар, дўст сифатида ёрдамларини аямайдилар. Меҳмон яна нимани исташи мумкин, деган саволга ўрин қолдирмайдилар.

*Найла ДОВУД,*
*покистонлик журналист.*

### Таржимаи ҳол — 1996 йил



● *Тошкент аэропортида бунёд этилган диспетчерлик хизмати*



● *«Миробод» бозори*



● *Бобур кўчасида қад кўтарган янги турар жой биноси.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

Ватан ичра Ватан

## ЮКСАК ИШОНЧ

*Тугаб бораётган йил маҳаллалар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этувчи воқеаларга бой бўлди. Хусусан май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларнинг ўтказилганини айтиш мумкин.*

Бундан уч йил аввалги дастлабки сайловларни бу йилгиси билан солиштирадиган бўлсак, маҳаллалар фаолиятини йўлга қўйиш тобора мукаммаллашаётганини сезиш мумкин. Дастлабки сайловлар кейингиси учун сабоқ бўлди. Жумладан бу йилги сайловгача оқсоқоллик қилиб келганларнинг ярмидан кўпи иккинчи муддатга қайта сайланишди. Бу эса ўтган икки ярим йил муддат ичида оқсоқолларнинг тажрибаси янада ошганлигини кўрсатади.

Сайлов жараёнларида кўрсатилган номзодларнинг адолатпарварлик, халқпарварлик, тадбиркорлик, сиёсий билимдонлигига асосий эътибор қаратилди. Демак, бу ҳол уларнинг зиммасига янада залворли масъулиятлар юклайди. Яқинда Президентимизнинг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонида маҳалла оқсоқолларининг бу жиҳатлари янада намоён бўлади. Ушбу Фармон юртбошимизнинг маҳаллаларга билдирилган юксак ишончи намунасидир.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган навбатдаги сайловларигача ҳали яна икки йил муддат бор. Бу давр ичида маҳаллалар фаолияти такомиллашиб боради. Демак, бу йилги сайловдан муваффақиятли ўтган оқсоқоллар зиммасига улкан вазифалар юклатилиши табиий. Демократик асосда ўтган бу йилги сайловлар юқоридаги вазифаларни талаб даражасида бажарилишида асосий омил бўлади.

*Зоҳид ШОКИРОВ,*
*Чилонзор туманидаги Шотурсун Ғуломов номли маҳалла оқсоқоли.*

*1996 йил Ўзбекистон фани учун улкан воқеалар, ижобий силжишлар, келажакка бўлган ишончни оширувчи ишлар йили бўлди. Халқаро миқёсда илмий-техник ҳамкорлик қилишда ҳам бу йил кўзга кўринарли тадбирлар амалга оширилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидан 50 га яқин мамлакатнинг илмий ташкилот, жамият, муассаса ва университетлари билан илмий алоқалар ўрнатилиб, ҳамкорликда тадқиқотлар олиб борилаётир. Уларнинг барчаси шу куннинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга хизмат қилади.*

Фанимиз уфқлари

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ОЛДИНГИ МАРРАЛАРИДА

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Институт тажрибахоналарида олиб борилган узоқ йиллик изланишлар натижасига кўра 23 номдаги доривор моддаларни ишлаб чиқиш учун рухсат берилди ва уларнинг рўйхати саноат миқёсида ишлаб чиқиш учун «Ўзфармсаноат» давлат ҳиссадорлик концернига тавсия этилди. Бу янгилик татбиқ этила бошланса, республикамиз аҳолисининг дори-дармонга бўлган талаби бир мунча қондирилади ва чет мамлакатлардан дори-дармон келтириш учун кетадиган харажат сарфи иқтисод қилинади. Институт қошидаги тажриба ишлаб чиқариш корхонаси томонидан жигар фаолиятини яхшилайдиган холасас номли препаратини ишлаб чиқариш биринчи марта жорий этилди.

● «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари томонидан ялпи бозор эҳтиёжининг ўзгаришини, пахта, чорва, пилла маҳсулотларига бўлган талабни, ишлаб чиқаришни ва сотишни таҳлил ҳамда башорат қилувчи ахборот-мулоқот тизимлари ишлаб чиқилди. Машинасозлик, тоғ-кон, озиқ-овқат ва биокимё саноатларида технологик жараёнларни моделлаштириш, ташхис қўйиш, лойиҳалаш, бошқариш масалаларини ечиш алгоритмлари ва дастур-аппаратли воситалари яратилди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Кимё институтининг «Спектр» илмий маркази ва Германиянинг Дортмунд университети ўртасида тузилган қўшма лойиҳада кўзланган илмий-тадқиқот ишлари муваффақиятли равишда бажарилди. Ушбу лойиҳага кўра институт олимлари томонидан самарали катализатор яратилди ва Дортмунд университети тажрибахонасида синовдан ўтди. Шунингдек, институтда қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг ҳосилдорлигини ошириш борасида ҳам илмий изланишлар олиб борди. Институт томонидан таклиф этилган «Т-86» номли препарат Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Бухоро ва Жиззах бўлимларининг тажриба далаларида учинчи марта аъло даражада синовдан ўтди. «Т-86» препарати билан қайта ишланган пахта чигити экилганда ҳосилдорлик бир гектар ер ҳисобидан 5-7 центнерга ошади. Давлат комиссияси томонидан ушбу ўсимлик ўстирувчи янги препарат қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиш учун тавсия этилди.

Кимё институти яратган яна иккита кашфиёт натижалари Оҳангарондаги «Қурилиш пластмассалари» ҳиссадорлик жамиятида жорий этилди. Ушбу ишланмалар муҳим қурилиш материали ҳисобланган линолеум ишлаб чиқаришда чет давлатлардан келтириладиган қимматбаҳо хом ашёлар ўрнига арзон нархдаги маҳаллий хом ашёлардан кенг миқёсда фойдаланишга асосланган. Ушбу таклифларни амалиётга қўллаш натижасида йилига икки миллиондан зиёд иқтисодий самара олишга эришилди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти олимлари учун 1996 йил самарали бўлди. Институт томонидан нашр этилган асарлар ичида шундай тадқиқотлар борки, улар ўз мавқеи жиҳатидан жаҳон шарқшунослик фанига қўшилган салмоқли ҳисса сифатида ҳам катта аҳамиятга моликдир. Дунё шарқшунослигида энг нодир манбалардан бири саналган «Тарихи Рашидий»нинг тўла равишда русча илмий-изоҳи таржимасининг эълон қилиниши мисолдир. Шунингдек, институт олимларининг Амир Темур юбилейи муносабати билан «Темурийлар шажараси», «Соҳибқирон Темур» монографиялари, Низомиддин Шомий «Зафарномаси»нинг изоҳли таржималари каби асарлари жаҳон Темуршунослиги ривожига қўшилган салмоқли ҳисса бўлиш билан бир қаторда ўзбек халқи тарихининг нурли саҳифаларини ҳаққоний ёритиш йўлида ташланган муҳим қадам бўлади.

*Дамира ЗАРИПОВА.*

## САТРЛАРГА МУҲРЛАНГАН ВОҚЕАЛАР

● 6 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Руминияга расмий ташрифи давомида халқларимиз манфаатларига хизмат қиладиган ҳужжатлар имзоланди.

● 21 июнь. Флоренциядаги «Фортеза ва Бассо» саройида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

● 25 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америкага амалий ташрифи давомида Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашди.

● 21 июль. Асакада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг расмий очилиш маросими бўлди.

● Август. Марказий Осиёнинг тинчлик ўрнатувчи батальони таркибида Ўзбекистонлик зобит аскарлар АҚШнинг Шимолий Каролина штатида ўтказилган «Кооператив оспрей — 96» ҳарбий машқларида катта муваффақият билан қатнашишди.

● 11-13 сентябрь. Тошкентда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» мавзусидаги халқаро семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

● 25-30 сентябрь. Берлиндаги жаҳон халқлари тарихи ва этнография музейида «Буюк Ипак йўли мероси: Ўзбекистон» кўргазмаси бўлиб ўтди.

● 21 октябрь. Юртбошимизнинг Дўрмондаги қароргоҳида туркий тилда сўзлашувчи мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаларининг Президентлари анжуманининг муҳим натижаси бўлган Тошкент декларациясига имзо чекдилар.

● 24 октябрь. Тошкентда бўлиб ўтган «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуидаги халқаро амалий конференцияда дунёнинг 25 мамлакатидан келган йирик олимлар, тадқиқотчилар, жамоат арбоблари иштирок этдилар.

● 13 ноябрь. Президентимиз Ислом Каримовнинг Бельгия қироллигига расмий ташрифи давомида икки давлат ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ҳужжат имзоланиши билан бир қаторда НАТОнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги масалалари ҳам муҳокама қилинди.

● 27 ноябрь. Туркманистон Республикаси Президенти Сапармурот Ниёзов расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

● 13 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЕХҲТ га аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Лиссабонда ўтказилган учрашувида нутқ сўзлади.

● 16-18 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов бошчилигидаги республикамиз ҳукумат делегациясининг Японияга ташрифи самарали ўтди.

● 24-25 декабрь. Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.

*Якунланаётган йил халқимиз маънавиятини бойитиш борасида савобли, аҳамиятли воқеаларга бой бўлди. Сентябрь ойида Президентимизнинг «»Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаоллари билан учрашуви ҳамда марказ фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ҳақидаги Фармонининг чиқарилиши фикримиз далилидир. Марказнинг Тошкент шаҳар бўлими раиси ўринбосари Ойсара Мироқилова билан ана шулар ҳақида суҳбатлашдик.*

Маънавият

## ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

**— Ойсара опа. Президентимизнинг маънавиятни юксалтириш тўғрисидаги Фармонининг аҳамияти ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсангиз?**

— Маънавиятсиз инсонни инсон деб бўлмайди. Шу боисдан бу масалага айнан Президентимизнинг аҳамият беришлари аҳамияти беқиёс Фармонни халқимиз кўтаринки руҳда кутиб олди. Биз тарих тақозосига кўра ўзга ҳудудларни Ватан деб билдик. Ислом ақидаларига хурофот деб қарадик, ота-боболаримиз асрлар давомида асраб келган қадриятларимизни, ҳатто она тилимизни унутаёздик. Энди эса ана шу хатоларни тузатиш, ҳар бир ишга янгича ёндошиш, ўтганлар руҳини, халқимиз тарихини ёд этиш, миллий қадриятларимизни ёш авлодга сингдириш каби зарурий вазифаларни бажариш вақти келди.

**— «Маънавият ва маърифат» марказининг шаҳар бўлимида 1996 йил давомида қандай ишлар қилинди?**

— Юқорида тилга олинган Фармондан кейин шаҳар ҳокимлиги томонидан маънавий-маърифий ишларга эътиборни кучайтириш мақсадида қарор чиқарилди. Унда барча туман ҳокимликлари, бош бошқармалар, корхона ва ташкилотлар олдига жойларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби долзарб вазифаларни қўйди. Туман ҳокимликларидаги марказлар алоҳида хоналар, телефон, жиҳозлар ва техника воситалари билан таъминланди. Марказ фаолияти давомида эса турли жамоат муассасалари, олий ҳамда ўрта мактабларда, маҳаллаларда учрашувлар, суҳбатлар ўтказилди. Аҳоли талабларини қондирадиган турли касб-ҳунарга доир билим берадиган қисқа муддатли курслар ташкил этдик. Лекин бу ишлар ҳали етарли эмас. Учрашувлардан маълум бўлишича ўқувчилар, ҳатто айрим ўқитувчиларнинг маънавий савиясини бугунги кун талаби даражасида, деб бўлмайди. Шуларни инобатга олиб мактаб дастурига «Маънавият» дарслари киритилиши керакка ўхшаб қолди. Шу соҳага оид дарсликлар чоп этиш, ўқитувчиларни ҳам махсус курсларда малакасини ошириш муҳим бўлиб қолмоқда. Маҳалла ҳамда кўпқаватли бинолар қошида марказлар очиб, мунтазам назорат ўрнатишимиз керак.

**— Янги 1997 йил режаларини тузишда қандай ишларга эътибор берилди?**

— 1997 йил давомида бошқарув жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда анжуманлар ўтказиш, миллий байрамларимизга бағишлаб рисолалар чоп этиш, Ўзбекистон тарихи, бой миллий анъаналарини янада чуқур ўргатиш мақсадида қадимий шаҳарларимизга саёҳатлар уюштириш, ёшларни таниқли олимлар, ёзувчилар, бастакорлар, рассомлар ва театр артистлари билан учрашувларини ўтказишни режалаштирганмиз.

*Фарида ТОЖИБОЕВА ёзиб олди.*



*Ҳар байрамда, айниқса, Янги йил оқшомларида нигоҳларимиз ойнаи жаҳонга қадалади. Орзиқиб кутганимиз Янги йил базми шу куни барчамизга қувонч улашади. Дилрабо қўшиқлар, шўх рақслар, қизиқчиларимизнинг ичакузди ҳангомаларини мириқиб томоша қиламиз. Бу йил ҳам ойнаи жаҳон ажойиб байрам дастури тайёрланганига шубҳа йўқ.*

*СУРАТДА: Янги йил базми иштирокчиси қизиқчи Обид Асомов.*

*Алишер Рисқиев олган сурат.*

*Ўтиб бораётган йилимизда барча соҳаларда бўлгани каби тиббиёт соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда профилактика ишларини такомиллаштириш борасида туманларда оилавий шифокорлик амбулаториялари, ўсмирлар саломатлигини тиклаш маркази, она ва бола, перинотал ва турли касалликларни даволаш бўйича марказлар, маълум касалликни даволашга ихтисослашган кундузги шифохоналар ташкил этилди. Уларнинг барчаси замонавий тиббий асбоб-ускуналар, даволаш усуллари физиотерапевтик муолажаларга асосланган барча қулайликларга эга бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.*

Соғлом авлод учун

## БОШ МЕЗОН

● **Шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли 12-оилавий шифокорлик амбулаторияси**нинг бош шифокори Муқаддас Раҳматуллаева қуйидагиларни айтиб берди:

— Эндиликда ҳар бир оиланинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хасталигини кузатиш имкониятига эгамиз. Илгари, сизга маълум, катталар, болалар поликлиникалари, хотин-қизлар маслаҳатхоналари, тор мутахассисликлар бўйича шифокорлар ишлайдиган бинолар алоҳида-алоҳида жойлашган бўларди. Бу эса ўз-ўзидан ортиқча оворагарчилик, сарсонгарчилик ва энг муҳими шифокорлар ўртасида умумий ҳамфикрлик йўқлигини келтириб чиқарарди. Мана энди 12-оилавий шифокорлик амбулаториясининг дастлабки иш натижалари ёмон бўлмади. Янги усулнинг анча қулай ва самарали эканини биз шифокорлар қатори аҳоли ҳам сезмоқда. Фарзанд кутаётган оналар ҳам ўзимиздан кўрикдан ўтадиган бўлиши муносабати билан улар ҳар томонлама назоратга олиндилар. Чунки соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Шунингдек, ҳар бир оила аъзоси учун якка тартибда соғломлаштириш, даволаш ишларини бошлаш мумкин. Натижада касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, ирсий касалликлар ва бошқа омиллар ҳам ойдинлашади. Яна бир афзаллик томони шундан иборатки, бир вақтнинг ўзида бутун оила аъзолари билан биргаликда тиббий кўрикдан ўтиш ва керак бўлса жойида тиббий муолажалар олиш мумкин.

● **«Она ва бола» шаҳар маркази** Акмал Икромов туманидаги 7-кўптармоқли касалхона, 13-туғруқхона ва аёллар маслаҳатхонасининг бирлаштирилиши натижасида ташкил топди. 560 ўринли марказнинг асосий вазифаси оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, туғилажак фарзанднинг ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб дунёга келишини таъминлашдир. Хизмат кўрсатиш тартибига кўра ҳомиладор аёл кўзи ёришидан олдин аёллар маслаҳатхонасига мурожаат қилади. Агар унда экстрагенитал, яъни ҳомилага алоқаси бўлмаган бирор хасталик мавжуд бўлса даволаш бўлимига ётқизилади. Сўнгра туғруқхонанинг 2-бўлимида туғишга тайёрланади ва фарзандли бўлгач туғруқхонага ўтказилади. Бордию шундан сўнг ҳам ўзи ёки фарзандининг саломатлигида нуқсонлар бўлса, касалхонанинг ўзида даволашни давом эттириши мумкин. Мақсад она ва туғилган болани ушбу муассаса остонасидан соғлом уйга кузатиш.

● Юнусобод туманидаги **«Ўсмирлар саломатлигини тиклаш» шаҳар маркази**нинг фаолият кўрсатаётганига кўп вақт бўлгани йўқ.

— Марказимиз бир вақтнинг ўзида 100 дан ортиқ ўсмир саломатлигини тиклашга хизмат қилади, — дейди марказнинг бош шифокори Маҳбуба Орифхонова. — Беморларнинг ёши асосан 15 ва 18 ёшни ташкил этади. Чунки балоғат ёшидаги ўсмирларимиз ўз соғлиқларига кўпам эътибор беришавермайди. Айниқса йигитларимизни ҳарбий хизматга тайёрлашда ҳам бу муассаса бениҳоя аҳамиятли. Агарда қизларимизнинг келажакда она бўлишларини ҳисобга оладиган бўлсак тиббиёт заҳматкашлари зиммасидаги масъулият янада ортади. Турмуш қураётган ҳар бир оила бахтли яшаши учун никоҳланувчилар соғлом бўлмоқлари зарур. Йўлланма билан келган ёки шунчаки мурожаат қилган ҳар бир ўсмир бизнинг эътиборимиздан четда қолмайди. Уларни махсус тиббий кўрикдан ўтказамиз. Кўрик хулосасига кўра бир вақтнинг ўзида бир ёки бир неча касалликларини даволаймиз. Бунинг учун тиббиётнинг барча соҳаси бўйича мутахассислар ҳамда замонавий асбоб-ускуналар мавжуд.

*Дония ЗОКИРОВА.*

